Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 15 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 79 (6975)

Da'vat

Ўз қадр-қимматини англаш ақлли одамни янада камтарин, шунинг билан бирга янада саботли қилади.

Ф. ЧЕСТЕРФИЛД.

Ibrat

Яқинда Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фаоллари қўмита раиси Эркин Ғуломов бошчилигида Й. Охунбобоев номидаги 9-ўрта мактаб янги биноси қурилишини жадал олиб бораётган қурувчиларга атаб ўз ҳисобларидан катта дастурхон ёзди.

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

13 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, банклар, муассасалар, ташкилотлар, олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мазкур комиссия раиси У. Султонов бошқарди.

Республика комиссияси ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг устувор масалаларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар олдида турган энг долзарб масалалар ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишни таъминловчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Мажлисда Республика Бош вазири, комиссия раиси У. Султонов ва Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев маъруза қилдилар.

Кўтарилган масалаларни муҳокама қилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, меҳнат вазири О. Обидов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот — таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш бўйича ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши экани қайд этилди. Бугунги кунда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш ўта муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Ҳозир бу муҳим ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш зарурати чуқур англаб етилган.

Кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини Миллий дастур талабларига мувофиқ равишда фаоллик билан қайта қуриб чиқиш лозим. Мажлисда қайд этилганидек, узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат таълим стандартлари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ҳар томонлама жорий этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Уч йиллик таълимни ташкил этиш, ҳар бир касб учун мутахассислар тайёрлаш мамлакатда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун зарур модий-техника базасини барпо этмай туриб, қўйилган вазифаларни амалга ошириш мумкин эмас, деб таъкидланди мажлисда.

Мажлис иштирокчилари мамлакат ҳукуматининг Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишга қаратилган биринчи даражали тадбирларини муҳокама қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов иштирок этдилар. **(ЎзА).**

Пойтахтимиздаги 282-мактабда 2400 нафар ўқувчи таълим олади. Эстетик циклдаги фанлар чуқур ўрганиладиган бу мактабда болаларга тиқиш-бичиш, расм чизиш каби ўқув дастурларини ўргатишга асосий эътибор қаратилади.

СУРАТДА: мактаб ҳаётидан лавҳа.

А. РИСҚИЕВ олган сурат.

БОБО ШОИР ЭДИ
2-бет.

«ТАФАККУР» ЖУРНАЛИ МЕҲМОНИМИЗ
3-бет.

Xushxabar

МУНОСИБ УЛУШ

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир деҳқони олдида миллий бойлигимиз — «оқ олтин»ни нес-нобудсиз йиғиб-териб олиш вазифаси турибди. Жойларда бу борадаги ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Давлат хирмонига таълим муассасаларига қарашли ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар жамоалари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишяпти.

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Пахтачи туман бизнес мактаби ўқув тажриба хўжалигида 30 гектар майдонда пахта етиштиришган. Сайфуддин Бобомуродов бошчилигидаги ушбу жамоа аъзолари давлат қабул пунктларига мўлжалланган 70 тонна ўрнига 81;5 тонна «оқ олтин» топшириб, режани ортиғи билан ало этиб, марра бошидан кўринишди.

МУХБИРИМИЗ.

- **Мамлакатимизда пахта тайёрлаш бўйича йиллик режасини биринчи бўлиб бажарган Хоразм вилояти меҳнаткашларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов самимий миннатдорчилик ҳамда тилаклар битилган мактуб йўллади.**

- **Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи тантаналари арафасида бу байрамларни ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита ушбу шаҳарларда амалга оширилаётган сўнгги тайёргарлик ишларининг бориши билан танишиб, мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига шарҳ мат-**

JUMLADA JAHON

буотда эълон қилинди.

- **Кейинги ўн йил мобайнида Россиядан 3 миллиард АҚШ доллари қийматига тенг ҳарбий техникалар сотиб олган Ҳиндистон бу мамлакат билан ҳарбий ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттиришга келишиб олди.**

- **Афғонистонда толиблар мамлакат шимолидаги Тошқўрғон шаҳрини ҳам бой бериб мамлакат шимолидаги ўз мавқеларидан бутунлай маҳрум бўлишди.**

- **Иккинчи жаҳон уруши йилларида мажбуран ишлатилган 70 миллион кишидан ҳозирда тирик бўлган 1 миллионга яқин кишига Германиянинг «Сименс» концерни товон пули тўлашдан бош тортмоқда.**

Saxovat

... Бу инсон 70 ёшни қаршилаган, аммо ҳали тетик, қариликни тан олгиси келмагандек тиниб-тинчимайди.

Абдиқул ота Ўнгалов билан туман ўқитувчиларининг август кенгашида танишиб қолдим. У тоғ-ўнгирлар орасидаги Урганжи қишлоғида истиқомат қилар экан.

Хўш, нима бўпти дерсиз?

Ўша кенгашда Абдиқул Ўнгаловнинг шаънига ҳамду санолар ёғдиришди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлимидаги ўртоқлар, делегат ўқитувчилар унинг ҳимматига, ғайратига қойил қолишди.

Гап шундаки, отахон ўтган йилнинг ёз ойларида

ЧЎПОН МАКТАБ ҚУРДИ

ўғиллари Актамжон, Абдураҳмон, Фазлиддинлар билан лой қориб, ғишт қуйиб, Кориз қишлоғида 3 хоналик мактаб биноси қурилишини бошлаган эдилар. Бу йил эса ўша иморат битибди, болаларнинг ўқиб, билим олишлари учун тахт қилинибди. Яхши гап тез тарқалади деганларидек, хушхабар раҳбарларнинг ҳам қулоғига етиб борди.

Абдиқул отанинг асл касби алоқачилик, кейинги йиллар мобайнида эса чўпонлик қилган. Мактаб қуришга уни нима ундади экан?

Коризлик болалар 3-4 чақирим йўл босиб, 36-мактабга қатнар эдилар. Табиийки, бу масофа уларни чарчатар ёки дарсларга кечикиб боришларига сабабчи бўларди.

Энди эса коризлик ўғил-қизларнинг ўз мактаблари бор. Уларни йўл азоби қийнамайди.

Саховатли инсон ҳалол, пешона тери эвазига топган маблағи ҳисобига қурилиш материаллари сотиб олган. Унга ўғиллари мадад беришди. Ота-болалар мактаб қуриб, савобга ботишди.

Иззатулла ҒАЗНАЕВ.
Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани.

Ma'naviat va qo'shimcha ta'lim

ЯНГИ ҚОНУН МУҲОКАМАДА

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги муаммолардан бири сифатида ёшлар ўртасидаги ишсизлик эканлиги эътироф этилмоқда. Бирор касб эгаси бўлмаган кўпчилик ўспиринларнинг бугунгидек шитобли жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини топиши анча қийин кечаяпти.

Айниқса ўрта мактабни тугатаётган ўғил-қизларнинг 90 фоизи шу каби тўсиқларга дуч келаётганлиги кўп бора таъкидланди. Бу рақам жуда катта эканлиги ҳам барчамизга маълум.

Сабаб нима? Бу саволга ҳар бир киши турлича жавоб беришса-да кўпинча битта асосга келиб тўхташади. У эса ҳозирда мавжуд бўлган ўрта умумий таълим тизимидаги камчиликлар, унинг жадал давр талабларига жавоб беришга қодир бўлмай қолганлиги ушбу ҳолатни келтириб чиқарган омиллардан бири сифатида қаралмоқда.

Бу чигалликларни бартараф этиш йўллари қидирилди. Ниҳоят топилди.

Яқинда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунда бу масалага нақадар жиддий эътибор берилганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Аввало қонунда ёшлар ўрта мактабдаёқ аниқ бир мақсадга эга бўлишлиги кўрсатиб берилган. Битирувчи энди бирон касб эгаси бўлган ёки ўқишини давом эттиришга мустаҳкам замин ҳозирлаган бўлади.

Қонун яна бир масалага эътиборни кучайтириш зарур эканлигини тақозо этади. Буниси энди қўшимча таълим-тарбияни ривожлантириш.

Касбга лаёқатли, кўникмани ёшлик давриданоқ сингдириб бориш қанчалик мақсадга мувофиқлигини назария ҳам, амалиёт ҳам тасдиқлаган. Уни амалга оширишда эса бошда масъулиятни ҳар хил тўгараклар шаклида мавжуд бўлган қўшимча таълим-тарбия соҳаси ҳам чуқур ҳис қилмоғи даркор.

Чунки унинг мактабдан фарқи ҳам шундаки, у ёшларда ижод қилишга, илмий изланишга, ўзи севган машғулотга дастлабки кўникмани, унинг аҳамиятини ҳис қилишга имкон яратади.

Лекин шунчалик аҳамиятга молик бўлса-да бизда қўшимча таълим-тарбия шу пайтгача иккинчи даражали юмуш сифатида қаралади.

Балки бунга шу хилдаги таълим турига қатнашганлиги тўғрисида бирон бир ҳужжат берилмаслиги сабаб бўлгандир. Мақсад-ку аслида ҳужжат ҳам эмас. Болаларнинг орттирган билими, эгаллаган касби энг ноёб ҳужжатдир. Уларга паст назар билан қараш, эътиборсизлик аслида қўшимча таълим-тарбиянинг юксакроқ натижаларга эришишга имкон бермади. Зарур шарт-шароитларнинг етишмаслиги ёшларнинг бирон касбни чуқур эгаллашларига тўсиқ бўлди.

Хуллас, демоқчимизки қўшимча таълим-тарбия бундан кейин ҳам шу аҳволда қолиб кетмаслиги шарт.

Яқинда Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида «Маънавият ва қўшимча таълим-тарбиянинг долзарб муаммолари» мавзуидаги семинар қатнашчиларининг хулосаси ҳам шу бўлди.

Бу йиғилишда сўзга чиққан институт «Маънавият ва қўшимча таълим-тарбия» бўлими бошлиғи Саидаҳмад Хўжаев ва бошқалар қўшимча таълим-тарбияни ривожлантириш зарурлигини, шунингдек унинг ёшлар маънавиятини шакллантириш, жамиятимиз тараққиётидаги ўрни хусусида фикр юритишди.

Рустам БОЙМАТОВ.

Mulohaza

«ФАЛСАФА» ДАРСЛИГИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Президентимиз И. Каримов ўзининг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини тузиш» комиссиясининг йиғилишида сўзлаган нутқида ҳозирги мустақиллик шароитида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида ҳам, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида ҳам, келажакда буюк давлат барпо этишдек муқаддас мақсадимизнинг рўёбга чиқишида ҳам замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаб ўтганди. Президентимиз ўз маърузаларида бу соҳани атрофлича таҳлил қилиб, асосий камчилик ва нуқсонларни очиб бериш билан бирга уларни бартараф қилиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Юртбошимиз айниқса, олий таълим тизимидаги бугунги кундаги асосий камчиликлар устида тўхталиб, эски қолипдаги дарсликлар билан бугунги кунда замонавий кадрларни тайёрлаб бўлмаслигини, бунинг учун биз ўз дарсликларимизни яратишимиз кечиктириб бўлмайдиган зарур иш эканлигини қайд этиб ўтдилар.

Давримиз туғдирган бу эҳтиёжни ўз вақтида англаб етган кўпчилик фан соҳалари мутахассис-методист олимлар баҳоли қудрат ўз соҳаларида дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаб нашр қила бошладилар. Шулардан бири бизнинг мустақиллик дунёқарашимизнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўладиган фалсафа фанига оид — «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган проф. Ж.Туланов ва доц. З.Ғофуровларнинг «Фалсафа» дарслигидир.

Биз ушбу тақризимизда муаллифлар юқорида ўз олдиларига қўйган вазифаларни қандай ўддалашган ва бу дарсликда қай даражада ўз ифодасини топган, улар ўз дарсликларини ҳақиқатан ҳам янгича фикрлаш асосида яратганми? Дарсликнинг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат, каби саволларга жавоб излашга ҳаракат қилдик.

Умуман олганда бу дарслик муаллифлар томонидан бутунлай янгидан яратилган дарслик бўлмай, у шу нашриёт томонидан 1991 йилда нашр қилинган мазкур муаллифларнинг «Фалсафа» («Ўқитувчи», Тошкент 1991) дарслигининг маълум даражада ўзгартирилган иккинчи нашридир. Шу жиҳатдан дарсликнинг кўпчилик бўлимлари ва улар ўз ичига олган боблари маълум даражада эскича баёнлардан, эскича бир томонлама фикрлашлардан тўлиқ холи эмас.

Шуни айтиш керакки, муаллифлар фалсафа фанининг предмети ҳақида фикр юритар эканлар, уни «воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонунларини, уларнинг моҳиятини билишга қаратилган фандир» (6-бет), (11-бет) дея таърифлайдилар.

Ҳақиқатда эса фалсафий дунёқараш ўзида энг умумий ғояларни, қарашларни ҳосил қилиб, борлиқнинг энг умумий томонларини, боғланишларини ўз категорияларида акс эттиради. Бироқ бундай ғоялар ва қарашлар умуминсоний қадриятлар кўтарилиб, инсонийлик хусусиятини касб этгандагина, инсон манфаатларига хизмат қилгандагина фалсафий билимлар даражасига кўтарилади. Шу жиҳатдан ҳар қандай табиатшунослик ва жамиятшунослик фанларига оид билимлар фалсафий билимлар бўлавермайди. Табиат ва жамиятни бевосита акс эттирган умумий қарашлар инсон тафаккурида қайта ишланиб, умумлаштирилиши, мавҳумлаштирилиши натижасида ўзларида чуқурроқ мазмун касб этиб, донолик сифатлари билан йўғрилган қарашлар, ғоялар тизими фалсафий дунёқарашни ҳосил қилади.

Дарслик муаллифлари: «Фалсафа ўз ичига бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қуйидаги уч туркум йирик муаммоларни (борлиқ, диалектика, билиш) қамраб олади (8—9 бетлар), деб ёзадилар.

Бизга шу нарса маълумки, фалсафий адабиётларда кейинги вақтларда фалсафа шуғулланадиган соҳаларининг бешта эканлиги қайд қилинмоқда (антология — борлиқ, аксеология — қадрият, гносеология — билиш, праксеология — амалиёт, методология — услуб).

Лекин собиқ иттифоқ даврида нашр этилган дарслик ва қўлланмаларда негадир доимо фалсафанинг аксиология — қадриятлар ҳақидаги таълимот соҳасини тушириб, қолдириб келган эди. Бизнингча бу соҳа XX аср фалсафасида асосий масалалардан бири бўлганлиги тақриз қилинаётган дарслик муаллифларига маълум бўлиши керак эди. Негадир муаллифлар ўз дарслигида ҳам биринчи бўлимининг IV боби охирида ёки алоҳида бир боб сифатида бориши лозим бўлган «XX аср фалсафаси» мавзусини бутунлай чиқариб ташлашган. Бизга маълумки, XX аср фалсафасини батафсил ўрганмай туриб, биз ҳозирги замоннинг мураккаб жараёнларини янгича тафаккур асосида тўғри таҳлил қила олмаймиз. Бунинг устига XX аср фалсафасидаги хилма-хил оқимлар ва улар қарашларининг умумий томонларини, уларнинг фалсафий тафаккур тараққиётига қўшган ҳиссаларидан кўз юмиш фалсафадаги янгиликларни назар-писанд қилмаслик эмасмикан?

Муаллифлар ҳозирги замон фалсафасининг асосий муаммоси инсон муаммоси эканлиги тўғрисида дарсликнинг бир неча ўринларида

(Давоми 2-бетда).

Ҳурматли муштарийлар!

«Маърифат»га 1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:

Якка обуначилар учун — 149

Ташкилотлар учун — 150.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Умумжаҳон маданияти, адабиёти намояндалари қаторидан муносиб ўрин олган машҳур қозоқ ёзувчиси, драматург, таниқли олим, академик, ажойиб инсон, ўзбек халқининг яқин дўсти Мухтор Авезовдир. Шу йили жаҳон адабиётининг йирик вакили Мухтор Авезов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланяпти.

Куни кеча Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ҳам адиб таваллудига бағишланган учрашув кечаси бўлиб ўтди. Учрашувни фалсафа кафедрасининг доценти Жўрақул Маҳкамов бошқариб борди.

Учрашувда таниқли таржимон Носир Фозилов, адабиётшунос олим ва ёзувчи, «Нурлы жол» газетасининг бош муҳаррири Қолдибек Сейданов, Тошкент Давлат техника университетининг профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори Серикжон Қорабоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби Раҳимжон Отаевлар буюк адибнинг серқирра ижодий фаолияти тўғрисида тўлқинланиб сўзлаб бердилар.

Суннатулла РИЗАЕВ.

YOSH BANKIRLAR

Andijon shahridagi 5-o'rta maktabda yosh bankirlar sinfi ochilganiga 1 yilcha bo'lgandi. Yangi o'quv yilidan boshlab esa ushbu maktabda bunday sinf yana bittaga ko'paydi.

Bu sinflarda 50 nafar eng iqtidorli yoshlarga oliy toifali o'qituvchilar ingliz tili, informatika, menejment va bank boshqaruviga oid fanlardan chuqur saboq bermoqda.

SH. KELDIYEV.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ЯШАВОР, АЗАМАТ

Тахиатош шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Азамат Дауримбетов Қарши шаҳрида ўтказилган ёш шахматчилар мусобақасида биринчи ўринни эгаллаганди.

Ёш чемпион ҳозирда тренери Сеидназаров раҳбарлигида яқинда Франциянинг Канн шаҳрида ўтказиладиган ёш шахматчилар халқаро мусобақасига тараддуд кўрмоқда.

Ишқилиб Азамат фаранглар ҳам ўзининг азаматлигини кўрсатсин-да!

F. ЁҚУБОВ.

УСТОЗ ДУОСИНИ ОЛГАН

Шайхонтоҳур туманидаги 82-мактабнинг меҳридарё, фидойи ўқитувчиларидан бири Карима Рашидовадир. Карима ёш қизалоқлик пайтидан ўқитувчилик касбига меҳр қўйди. Мактабни тугатгач, бу туйғу уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томон етаклади. У 1964 йилда шу институтнинг сиртқи булими физика-математика факультетига ўқишга кирди ва шу йилнинг ўзидан унинг иш фаолияти бошланди. Дастлаб Карима опа 82-мактабда лаборант, 1966 йилдан бошлаб юқори синфларга математикадан билим бера бошлади. У ўқувчиларга чуқур билим бериши, ҳар бир нарсага қизиқувчанлиги, зукколиги билан ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида ҳурмат қозонди. Муаллимнинг бу меҳнатлари зое кетмади. У туман халқ таълими бўлими, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан Фахрий ёрлиқлар, «Халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланди.

— Шу йилнинг 20 август куни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қабул қилинган қарори мактабимиз ўқитувчиларини янада руҳлантириб юборди. Улар авваргидан ҳам шижоатли меҳнат қилаётирлар. Карима Рашидова ҳам ана шундай жонкуяр, устоз дуосини олган ўқитувчилардан ҳисобланади. Ў ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оз. Мактабимизда 34 йилдан бери ишлайди. Ўн беш йилдан бери эса физика-математика услубий бирлашмасининг раиси. У узининг сергайратлиги, зукколиги, ўқувчиларга меҳрибонлиги, талабчанлиги билан ўқувчилар, ўқитувчилар ва отаоналар олдида ҳурмат қозонган, — дейди мактаб директори Дилбар Каримова.

Наима ҲАКИМОВА.

Суратда: Карима Рашидова ўқувчилар даврасида.
Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Tadbir

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ БУХОРОДА

Бухорои шариф азал-азалдан Шарқнинг маърифат ва маънавият бешикларидан бири бўлган. Яқинда Бухоро давлат университетида «Маънавият — қалбим қуёши» иншо танлови ғолибларининг Республика конференцияси ўтказилишининг ҳам ўзига хос маъноси бор.

Республика анжуманини Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари У. Усмонов кириш сўзи билан очди. Йиғилганларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Очилов, Бухоро шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати К. Камолов, Бухоро давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси мухбир аъзоси К. Муқимовлар самимий табриклашди. Шундан сўнг «Маънавият — қалбим қуёши» иншо танлови ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда атоқли шоирлардан Нормурод Нарзуллаев, Сафар Барноев, Тошпўлат Аҳмад, Садриддин Салим Бухорий, Рустам Мусурмонов, Исроил Субхоний ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўз шеърларидан намуналар ўқишди.

Икки кун давом этган анжуманда иншо танлови ғолиблари гўзал ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифнинг муқаддас қадамжолари, тарихий обидаларини зиёрат қилиб, воҳанинг етакчи санъат усталари ва бадиий жамоалари ижросидаги куй ҳамда қўшиқлар, афанди латифаларидан тинглаб, ажойиб рақсларни томоша қилишди. Шаҳарнинг бетакрор гўзаллиги анжуман қатнашчиларини мафтун этди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Убайдулла Исроилович КАРИМОВ

Узбекистон фани оғир жудоликка учради. 1997 йил 11 октябрда академик Убайдулла Исроилович Каримов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

У. Каримов 1920 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкентдаги Урта Осиё Индустриал институтининг кимё-технология ва Урта Осиё Давлат Университетининг шарқшунослик факультетларида таҳсил олган. Академик У. Каримов Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтининг аспирантурасида таълим олди, ҳаётининг охиригача Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номли Шарқшунослик институтида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди.

Убайдулла Исроилович Каримов Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк алломаларнинг илмий меросини тадқиқ этган ва бу соҳада улкан илмий натижаларга эришган олим эди. Урта аср қомусчи олими Абу Бакр ар-Розийнинг фанга номаълум бўлган «Сиррул асрор» («Сирлар сири») номли кимё илмига оид асарлари қўлёзмасини тадқиқ ва таржима қилиб илмий истифодага киритди. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарини, Абу Райҳон Берунийнинг «Сайдана» асарини таржима қилиб нашр эттирди.

Убайдулла Исроилович Каримовнинг илмий кашфиётлари ва самарали меҳнатлари давлатимиз ҳамда жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. У Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланган, Беруний номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилган эди. Илмий хизматлари учун Бобур номли олтин медаль билан мукофотланган. Убайдулла Исроилович Каримов илмий доираларда обрў-эътибор қозонган атоқли олим, камтарин инсон, фидойи тадқиқотчи эди. Таниқли олимнинг ёркин хотираси ватандошлари қалбида ҳамиша яшайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Т. АЛИМОВ, Т. РИСҚИЕВ, А. АЗИЗХЎЖАЕВ, Т. ЖЎРАЕВ, А. МУҲАМАДЖОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, С. АЗИМЖОНОВА.

ЭНГ МУҲИМ ХИСЛАТ

Жаннатмакон ва келажаги буюк Узбекистонимизда ёш авлодни маънан бой, халқпарвар, маърифатпарвар, покиза ва ватанпарвар қилиб камолга етказишдек энг муҳим ва масъулиятли вазифа биз ўқитувчиларнинг зиммасига тушмоқда.

Шундай экан, ўз-ўзидан зиёли эканлигингдан, ёшларнинг беғубор қалбига нур олиб кирадиган касб эгаси эканлигингдан фахрланиб кетасан, киши. Ўз касбини жон-дилдан севган ижодкор, ватанпарвар ўқитувчиларимиз бу шарафли вазифани уддалай олишлари муқаррардир. Яхшиким, ҳар бир фандаги дарсларимиз, ягона мақсад: инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш бўлмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир.

Маълумки, миллий тарбиямизнинг асосий пойдевори мактабдир. Шу боисдан, миллий тарбиямизни яхши йўлга қўйишда ҳадислардан, мақоллардан, халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланиш маънавиятимизни, хусусан ёш авлодни маънан бой, ғўзал хулқли қилиб тарбиялашда муҳим омил эканлигини ҳурматли ҳамкасбларимга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Ҳар бир дарсимизда ушбу дурдоналардан кўпроқ фойдалансак, фойдаланганда ҳам сенъаткорона фойдалансак нур устига нур бўлур эди. Санъатнинг турлари кўп, аммо дарсларда санъаткорона сўзлай билиш — бу энг муҳим хислатдир. Сўз — ўқитувчи учун ўз фикрини ифодалашгина эмас, балки шу фикрлар орқали бола онгини шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи ўз вазифасини фақат касб-ҳунар деб англамай, балки ўз санъаткорлиги билан ўқувчиларини ўзига маҳлиё қилиши, уларни маънан баркамолликка, эзгуликка, ғўзалликка йўналтириши лозим.

Қани эди баъзи фан ўқитувчиларимиз нотиқлик санъатини «Бу адабиёт ёки она тили дарси эмас-ку! Чиройли ганирмаса ҳам бўлавераді» — деб тушунмасалар. Ахир ўқувчи энг аввало сўзлаш санъатини, одобини ўқитувчидан ўрганади-ку!

Ажойиб шоиримиз Шукрулло айтганларидек, мустақиллик бизга журъат ва суръат берган экан, биз ҳам жавобан жаннатмакон ўлкамизга маънавий баркамол, ғўзал хулқли, илмли инсонларни тарбиялаб берайлик. Мураббий сифатида санъаткорона ва моҳирона сўзлашга интилайлик, дарсларимизга бугун ва келажак учун сув билан ҳаводек зарур бўлган хислатлар: маърифат ва маънавият, қадрият ва энг муҳими самимиятни олиб кирайлик.

Фозилжон АБДУЛЛА ўғли,
Ғаллаорол туманидаги 33-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси.

Yodnoma

БОБО ШОИР ЭДИ

Қуддус Муҳаммадий деган бир зот
Бу дунёга келди-ю, кетди...

Олтмишинчи йилларнинг боши эди. Мен ТошДУнинг журналистика булимида ўқирдим. Таълим оладиган факультетимиз Хадра майдонига туташ. Унинг рубарасида «Ватан» кинотеатри. таърифдан муддао шуки, барча нашриётлар, газета-журналлар Навоий кўчасида қад кўтарган биноларда жойлашган. Асосий гап, Навоий кўчаси бу йилларда Тошкентнинг кенг, ягона кўчаларидан бири, барча зиёлилар учрашадиган, қатнайдиган гавжум манзил.

Дарахтлар соя ташлаб турган, пиёдалар юрадиган бу қадамгоҳда ҳеч бўлмаганда ҳар куни бир марта давримиз алломалари: — Ғафур Ғулом, Ойбек домла, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Зулфия опа, Мақсуд Шайхзодаларга рўбару келамиз, бунинг сабаби бор. Улар нашриёту журналларда ишлашади.

Гапни узоқдан бошлашимга келсак, камина ҳам Навоий кўчасига яқин тор кўчаларнинг бирида ижарада яшаймаи. Сўзсиз, серқатнов кўчага кунда бир неча марта чиқиб қайтаман. Ишим борми, йўқми, талаба учун алоқаси ҳаминқадар. Бир галги сайру томошада яна ўша бино олдидан ўтиб қолдим. Кузим йўл чеккасида суҳбат қураётган икки шоирга тушди. Уларнинг бири — Мамарасул Бобоев, иккинчиси, мен дарсликларда талай шеърларини ўқиган, ёд олган Қуддус Муҳаммадий эди. Таққа тўхтаб, уларни кузата бошладим. Қуддус аканинг бошида эски қулоқчин. Оёғида кирза этик. Эгнида оҳорини аллақачон йўқотган қора пальто. Мамарасул Бобоев башанг кийинган. Адашдимми деб, сездирмай ночор кийинганининг ён томонидан разм солдим, йўқ, Қуддус аканинг узи. Овози қулоғим остида жаранглаб турибди. Ўйланиб қолдим. Фақат ўшанда бир нарсанинг фарқига бормаган эканман. Ахир Қуддус Муҳаммадий болалар шоири-ку... Унинг қанот ёзиб учадиган майдони кичик-ку. Буни ҳам анчайин кейин тушундим.

Кўп ўтмай ўзим ҳам шу бинога кириб-чиқадиган бўлдим. «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»)да иш бошладим. Ён қўшниларимиз «Гулхан», «Ғунча» журналлари, Қуддус ака ана шу таҳририятлар йўлагида кунда кўринади. Бинонинг нариги бурчагида «Ёш гвардия» нашриёти. Кейин бу нашриёт «Камалак» номини олди. Аслида эса бу нашриёт болалар адабиёти нашри сифатида дунёга келганди. Охир оқибат жанжалу тўполон бозорига айланди. Нашриёт сифатида ўтган йили тугатилди... Ҳозир учтўрт киши фаолият кўрсатаётган бир нимага айланган. Буларни билмаганлар билиши учун келтираяпман. Аслида буям хотира.

Қуддус ака гоҳ газета-журнал, гоҳ нашриётга қўлёзма ташлаб кетади. Аммо натижасини суриштирмайди. Баъзида ёзган шеърини ўқиб бериб, ўзи билан олиб кетади.

Қуддус Муҳаммадий йўлига панжара қўйганлар ҳам йўқ эмасди. Ҳолбуки бу йилларда Қуддус ака ўзига хос мактаб яратган устозлардан эди. Унинг тўгарагидан — Султон Акбарий, Пулат Мумин, Зоҳиджон Обидов, Қудрат Ҳикмат, Ғани Жаҳонгиров каби шоиру ёзувчилар чиққан. Шулардан энг кичиги — Рауф Толиб. Устозга садоқатни ҳам шу укамиз кўрсатди.

У йилларда нима кўп, байрам кўп, табрик шеъри албатта керак.

— Каттароқ шоирдан шеър ундиринг, — деб бош муҳаррир буюради.

Биз номдор, амалдор ижодкорлар эшигини, йўлини пойлаб, не азобда бир қоралама олиб келамиз.

Хонамизга ҳар куни келиб турган Қуддус Муҳаммадий билан ишимиз бўлмайди. Сиз ёзиб беринг, десак муҳаррирдан қўрқамиз. Йўқса, биз шеър ундирган акахонларимиз ҳам бир пайтлар «Ўқувчига эсдалик» каби шеър ёзишга, унинг йиллаб «Ўқиш китоби»дан ўрин олишини орзу қилган. Ёзганини қоғозга қараб ўқисада, Қуддус аканинг ушбу шеърларини ёддан билади. Улар ҳам Қуддус акани ишга солинг, демайди. Лекин барчанинг тилида қуйидаги сатрлар айланади.

Ўқувчи сендан талаб,
Мактабга бор эрталаб,
Ноғора эмас доска,
Чалаверма ҳавасга.

(Давоми 4-бетда).

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Индонезия расмий мулозимларининг айтишича, мамлакатда, мамлакат ўрмонларида давом этаётган ёнғин яна кучаймоқда. Ушбу улкан ёнғин туфайли бутун Жанубий-Шарқий Осиё осмони қуюқ тутун билан қопланиб, атроф-муҳит булғанган эди. Сунъий йўлдошдан олинган суратларга кўра Борлио ва Суматра вилоятларида ёнғин яна кучайган. Ўтган ҳафта бўлиб ўтган ёмғир тутунни тарқатиб юборган ва ўрмон ёнғинлари пасайган эди.

***

Америка Қўшма Штатларининг Кипрдаги махсус вакили Ричард Олбрит Анқарада Туркия раҳбарлари билан музокаралар бошлаган. Музокаралардан мақсад, Туркия билан Греция ўртасидаги баҳсга сабаб бўлаётган Кипр ороли муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга саъй-ҳаракат бошлашдир. Айни пайтда Греция томони Туркияни ўз самолётлари билан Греция ҳаво чегараларини бузишда айблаган. Бу айблов Туркия томонидан рад қилинган.

***

Ўзбекистондан олинган хабарга кўра, эртага Тошкентда араб давлатлари иштирокида савдо кўргазмаси очилиши кутилмоқда. Унда Форс кўрфази давлатлари ҳамда мисрлик ширкатлар ўз маҳсулотларини кўргазмага қўядилар. Мутахассисларнинг фикрича, араб давлатлари биринчи бор Ўзбекистон иқтисодига жиддий эътибор қаратмоқдалар.

***

Ироқ шимолидаги икки курд гуруҳлари ўртасида яна жанг бошланган. Улар биринчи йилгача оташкесинга амал қилган эдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу тўқнашувларни ўта жиддий дея изоҳлаган. Чунки жанглар бир неча фронтда давом этмоқда.

«Би-би-си» (ЛОНДОН).

«ФАЛСАФА» ДАРСЛИГИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

(Боши 1-бетда).

тўғри таъкидлаб ўтсаларда, бироқ XX аср фалсафасидаги инсон муаммоси ҳақида, «Инсон фалсафаси» бобида эса инсон борлиги, унинг табиати ва моҳияти, яшашдан мақсади, инсон ҳаётининг маъноси ва мазмуни, яшаш идеаллари, ўлими ва мангулиги ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмайди.

Муаллифлар шу бўлимнинг II бобида «Дунёқараш муайян ижтимоий гуруҳ, синфнинг, миллатнинг вакили сифатида, аниқ ижтимоий муҳитда яшаб, меҳнат қилаётган инсондан ташқарида мавжуд бўлмайди. (21-бет) деб изоҳлайди. Наҳотки дунёқарашнинг «ижтимоий борлиқнинг инъикоси», «синфийлиги»дан ташқари муҳим белгилари бўлмаса? Дунёқарашни бундай изоҳлаш, бизнингча, бир томонлама ва эскича баён қилишдир. Дунёқарашнинг ижтимоий руҳият шаклида, мафкура шаклида ҳам намоён бўлиши, синфий характерга эга эканлиги ҳақидаги гаплар ҳам эскича фикрлардир. Китобнинг 31—35 бетларидан фикрлар ҳам эскиргандир.

Муаллифлар ўз дарсликларида сиёсатга боғлиқ бўлмаган мустақил фалсафани яратиш ғоясини илгари сурадилар. Афсуски, фалсафа фани сиёсатдан ҳеч қачон бутунлай холи бўлолмайди. Бизга тарихдан маълумки, файласуфларнинг фаолияти ва эътиқоди доимо ўз даври сиёсати билан боғлиқ бўлиб, ё уни ёқлайди, ёки уни танқид қилади. Мутафаккирлар илмий изланишларининг йўналишларига улар яшаган давр, давлат сиёсати доимо салбий ёки ижобий таъсир этади. Фалсафий қарашлар сиёсат билан боғлиқ бўлади. Бу қонуний ҳол. Одатда, сиёсат фалсафага ҳукмронлик қилса, фалсафа сиёсатнинг қулига айланса, бу — ёмон! Аксинча, фалсафа сиёсат билан ҳамкор бўлиб, сиёсат илғор фалсафий қарашларга таянса, жамиятнинг тараққиёти тезлашади. Бу яхши!

Бизнинг фикримизча, биз энг аввало ўзимиз файласуфлар фалсафа ва унинг ҳаётда тутган ўрни ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартиришимиз лозим.

Дарслик муаллифлари эскича қарашлардан бутунлай холи бўла олмай, уни ёзишга қўл урганлар. Муаллифларнинг иккинчи бўлимга оид «Борлиқ фалсафаси» мавзусидаги «Борлиқ» тушунчасининг баёни ҳам чалкаш берилган. Масалан, улар ёзади: «Илмий фалсафа нуқтаи назаридан борлиқ тушунчаси... инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив оламни ифодалаш, акс эттириш учун ишлатилади». «Борлиқ онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив оламни ифодаловчи фалсафий тушунча» (142-бет). Қуйироқда эса, бир томондан «борлиқнинг асосий турларини моддий предметлар, жараёнлар борлиги, инсон борлиги, маънавий борлиқ, ижтимоий борлиқ ташкил этади», деган фикр айтилса, иккинчи томондан яна «Борлиқ, материя объектив реалликдир. У инсон онги, иродаси, хоҳиши ва истагидан ташқарида реал мавжуддир» (144-бет) деб, оламнинг моддий бирлиги ҳақидаги диалектик-материалистик қоидани такрорлайдилар. Бундай ёндошиш муаллифлар томонидан «субстанция» ва материя, уларнинг ўзаро алоқадорлиги» параграфи, «Табиат борлиқнинг ажралмас қисми». (VI боб) да ҳам «Фалсафанинг қонун ва категориялари — борлиқнинг инсон онгида акс этган қонуниятлари» (VIII боб) мавзуларида ҳам яққол ўз ифодасини топган. Дарсликда муаллифлар: «Фалсафа фанининг асосий негизини диалектика назарияси ташкил этиши»ни... айтишади (3—4 бетлар). Биз муаллифларнинг бу фикрларига қарши эмасмиз, уларнинг диалектика назариясини ҳам рад этмоқчи эмасмиз. Диалектика фалсафада қадимдан дунёни тушуниш, уни билиш ва урганиш усули (методи), инсон тафаккурининг маълум тарзи сифатида мавжуд. Афсуски, муаллифлар бу бобда диалектиканинг қонунлари ва категорияларини баён этар эканлар, улар ҳозирги замон инсонпарварлик диалектикаси ва унинг категориялари тўғрисида ҳеч нарса дейишмайди. Бироқ, муаллифлар диалектиканинг қонунлари ва категорияларига алоҳида эътибор беришган. Агар улар бу ўринда бугунги кунда диалектиканинг қонунлари ва категориялари олдинги баёнида баъзи қоидалар эскирганлигини ҳисобга олишиб, уларнинг янгича талқинларини беришганда нур устига нур булар эди. Гап шундаки, муаллифлар ёзишганидек, миқдор ва сифат узгаришларининг бир-бирига ўтиш қонунида жамиятдаги сакрашлар бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишда ягона йўл эмас, балки жамият тараққиёти турли-туман шаклда юз бериши мумкин. Ҳозирги даврда жамият талофатсиз, кескин сакрашларсиз, эволюцион йўл билан ривожланиб бормоқда. XX аср инсониятга жамият тараққиётида революцион сакрашлар ягона йўл эмаслигини, балки бу йўл инсоният учун энг хатарли йўл эканлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун Президентимиз И.А.Каримов: «Катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъиян йўл сифатида танлаб олдик», — деганида ҳозирги замон тараққиёт назариясига оид янгича тафаккурдан келиб чиққан эди. Чунки XXI аср бусағасидаги ижтимоий тараққиёт қонунларини янада бойитиб, уларнинг янги талқинини талаб қилмоқда. Булар жамият тараққиётининг эволюцион, коэволюцион — (беқарорликдан барқарорликка ўтиш) каби ўзига хос жиҳатларнинг ҳам мавжудлигини кўрсатмоқдаки, бу ҳақда ҳам дарсликда ҳеч қандай фикр йўқ.

Муаллифлар «қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши» қонунини ҳам, унинг моҳиятини ҳам, унинг тоталитар тузум даврида марксча-ленинча догматик талқини асосида баён қилишган.

Навбатдаги «Диалектиканинг билиш назарияси» бобида (нега энди фалсафанинг билиш назарияси эмас?) ҳам билиш назариясининг ҳозирги замон талқинини бермайдилар. Бизнингча, билиш назарияси фалсафанинг муҳим муаммоларидан бири экан, бу мавзуни муаллифлар ҳозирги замон фалсафий адабиётларида баён қилинган материаллардан кенг фойдаланган ҳолда ёритиб берганда, бу мавзу янгича фикрлаш асосида ёзилган бўларди.

Дарсликнинг «Жамият фалсафаси» (XII боб) да муаллифлар жамият тушунчаси, ишлаб чиқариш усули, базис ва устқурма, тарихий жараёнларнинг субъектлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари каби мавзуларни баён этишган. Бироқ бу мавзуларнинг ҳаммаси собиқ совет даврида ёзилган фалсафанинг «тарихий материализм» қисмида баён қилинган эскича фикрлардир. Масалан «базис ва устқурма», «Давлат ва сиёсий ташкилотларнинг жамият тараққиётидаги роли» (2-параг) мавзусига оид барча фикрлар ҳозирги замон сиёсий фалсафий назарияларга мос келмайди, аксинча зид.

Муаллифлар бу бобда жамият тараққиёти ҳақида гапирар эканлар: «инсоният тарихи ижтимоий иқтисодий тузумларнинг бир бирининг иккинчиси билан, эскининг янгиси билан қонуний равишда узаро алмашилиб туришидан иборат... Ижтимоий тараққиёт дан ривожланувчи тизим сифатида ёки тарихий тараққиёт босқичларига бўлиб қарашлар билангина эмас, балки аксиологик (қадриятлар), маънавият мезонлари билан ҳам баҳолаш мавжуд. Агар жамият тараққиётини фақат ишлаб чиқариш усули мезони билан ўлчасак, бизнинг XX асримизда ишлаб чиқариш юксак даражага кўтарилган бўлса-да, жамият, бир бутун инсоният инқирозга юз тутмоқда, билим ва техника олға қариб кетмоқда, — деб ёзган эди К.Ясперс, (лекин фақат инсоннинг ўзи, унинг субстанцияси прогресслашмаяпти, яъни олға қараб ривожланмаяпти).

Муаллифларнинг: «Моддий ишлаб чиқариш жамиятида яшашнинг энг муҳим шартидир», — деб ёзган фикрларининг бир томонлама эканлиги бизга ҳозир ойдек равшан. Чунки моддий ишлаб чиқариш маънавият билан, маънавий ишлаб чиқариш билан бирликда кечадиган жараёндир.

Ниҳоят дарсликнинг «Мустақиллик ва унинг фалсафий қонунлари объектив қонунлардир. Бунинг маъноси шуки, жамиятнинг юксалиш томон илгарилаб боришини айрим кишилар ҳам, синфлар ҳам ҳеч қачон тўхтата олмайдилар» (312-бет), деб ёзадилар. Ахир бу фалсафадаги фатализм оқимининг қараши-ку!

Наҳотки ижтимоий қонунлар инсон фаолиятларидан ташқарида амал қилса, наҳотки, уларга айрим буюк шахслар ва гуруҳлар, халқлар фаолияти ижобий ёки салбий таъсир кўрсата олмаса?

Жамият тараққиёти тўғрисида муаллифлар фикр юритар эканлар, улар «ишлаб чиқариш — жамият тараққиётининг асоси», деган марксистик концепциядан бошқа концепцияларни тан олмайдилар.

Ҳозирги замон фалсафий қарашларда жамиятни ўз-ўзижиҳатлари» (XII боб) да муаллифлар мустақиллик давлат барқарорлигининг омили эканлиги иқтисодий мустақиллик, сиёсий мустақиллик, мустақилликнинг маънавий заминлари каби муаммоларни Президентимиз И.Каримов асарлари, мақола ва нутқларида илгари сурилган ғояларга таянган ҳолда кенг ёритиб беришган. Аммо бу масалаларнинг ёритилиши муаллифлар томонидан фалсафий аспектта эмас, балки сиёсатшунослик, иқтисодий назария ва ҳуқуқшунослик аспектларига оид фикрлар асосида амалга оширилган.

Ҳуллас мазкур дарслик мазмуни билан тўлиқ танишиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, муаллифлар фалсафий масалаларни ёритиш ва уларни асослашда ўзлари ҳали фалсафани марксча-ленинча тушуниш мезонлари чегарасидан тўлиқ чиқиб кета олмаганлар. Улар дарсликни янгича фалсафий тафаккур асосида ёза олмаганлар. Бунинг устига дарсликда Шарқ фалсафаси муаммолари, ислом дини фалсафаси муаммолари етарли даражада тўлиқ ёритилган деб бўлмайди. Унда, шу билан бирга, XX аср номарксча фалсафа, унинг оқимлари, йўналишлари ва илғор қарашлари бутунлай ёритилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифларнинг дарслик «Мукаддима»сида берган ваъдаси, яъни «янгиланган, ҳозирги замон давр талабига жавоб берадиган фалсафа», бизнингча ҳам яратилмаган.

А.АБДУСАМЕДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ фалсафа факультетининг декани, ф.ф.д. проф.
И.РАҲИМОВ,
факультетлараро фалсафа кафедрасининг мудири, проф.
А.ҲОЖИБОЕВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти фалсафа кафедраси мудири, доцент.

Омон МАТЖОН

БИР ХЕВА — ИККИ ҚАЛЪА

Хевада бир қалъа бор қалъа ичинда:
Бири — Ичон қалъа, бириси — Дишон.
Машҳурдир бирининг номи очунда,
Бири нураб ётар беназар, бешон.

Не сир бу? Бир ёнда мовий тафаккур
Қулф урриб турибди сокин, беозор.
Бир ён — тенгсиз жангда енгилган мағрур
Ботир жасадидек эгасиз ва хор.

Ичон қалъа демак — Хоразм фахри,
Баҳорнақш гумбазлар, минор, сардоба...
Шундадир ул буюк Маҳмуднинг қабри,
Шундадир шон, ғурур... Дишон — хароба...

Халқимнинг устивор руҳи — зўр даҳо
Мангулик топгандир Ичон қалъада.
Шуни бузмасин деб минг турли бало.
Қалъа қурилгандир: Дишон — далада.

Азалий беомон бир ҳукмдир бу:
Одам — Дишон қалъа, орзуси — Ичон.
Оз яшаб кўп заҳмат кўрса ҳамки у
Руҳин қолдирмоғи мумкиндир омон.

Мен бугун Хевада виқорли турган
Асрий ёдгорлардан туяркан маъни.
Дейман: — Умр ҳикматин бобонгдан ўрган,
Асрамоқни ўрган Ичон қалъани!

Кўҳна ўзбек заминида бўй чўзган ҳар бир минора — буюк бир тарих. Улар халқ руҳининг барҳаётлигидан нишона.

Бу муқаддас тупроқ неча бор ёв лашкарларининг оёғи остида топталди! Унинг ложувард осмони неча бор ёғийларнинг ваҳший ҳайқириғию юрт қасоскорларининг мардонавор гурросига тўлиб-тошди! Шаҳру кентларимиз неча бор мудҳиш культепаларга айланди! Аммо ҳар гал улар замин қаридаги ҳарорат шиддатини намоён этган бойчечак, ўзгача кўрку латофат билан бош кўтариб юксалаверди!

Бугун қадимий шаҳарларимизга боқиб эркпарвар аждодлар нафасини туямиз. Уларнинг мовий минорлари ота-боболаримизнинг сўнмас иродаси тимсоли бўлиб кўринади.

Муқаддас шаҳарлар — Бухоро ва Хеванинг дунё миқёсида нишонланиши кўзда тутилган муборак 2500 йиллик тўйи ҳам, аввало, озодлик йўлида шаҳид кетган, Ватани довруғини дунёга таратмоқни орзу этган, башариятга беқиёс мерос қолдирган буюк зотларга ва шундай инсонларни вояга етказган ўзбек халқига ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Бухоро ва Хева — элимизнинг асрлар мобайнида юксалиб келган шаён-шарафи, ғурурининг рамзи. Бу рамз бугун — халқимиз истиқлол шукуҳи билан яшаётган кезда янада теран маъно касб этади ва ҳар биримизни Ватан озодлиги ва ободлиги йўлида фидокор бўлмоққа даъват қилади.

«ТАФАККУР» МЕҲМОНИМИЗ

Илгари таъкидлаганимиздек, «Тафаккур» ва «Маърифат»нинг мақсади бир — миллатнинг маънавий, маърифий салоҳиятини кўтаришдир. Саҳифамизда журналнинг янги — 3-сонидан олинган қатраларни Сизга илиндик, азиз муштарий.

Абдулло УЛУҒОВ

РАНГЛАР ВА ОДАМЛАР

Ҳар нарсага қодир Оллоҳ оламдаги жамики жонли-жонсиз мавжудотни ўзига хос тарзда, шаклу шамойил билан яратган. Уларнинг ҳар бирига мос рангу тус берган. Бу шакл, ранг, тусни вақт ўтиши, фаслларнинг ўзгаришига мувофиқ ҳаракат билан ҳам қувватлантирган. Карами кенг улуғ Яратувчи бандаларнинг зерикиб қолмаслиги учун борлиқни товланувчи қилиб безаган. Шу боис баҳорда замин яшилликка бурканади. Қишда файзсиз кўринган шох-бутоқлар ямяшил барглар чиқариб кўзни қувонтиради. Кузга келиб эса улар заъфарон тусга киради. Ранглар олам ҳодисалари муттасил ҳаракатда эканини ана шу тахлит кўрсатиб туради.

— Ранглар табиатдаги ўзгаришлар жараёнинигина эмас, одамларнинг феъл-атвори, ички кечинмалари, умр йўлларини ҳам аниқ акслантириб туради, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев. — Чунки, одамнинг дили, сажияси табиатдаги ўзгаришлар билан жуда-жуда боғлиқ бўлади. Дейлик, осмон булутли, ҳаво тунд чоқларида кишининг кайфияти тушиб кетади. Кўнгил ўз-ўзидан ғашланади...

Омон МУХТОР

БУХОРО

Кундуз офтоб ёғилар.
Тунда —
Ой нурлари майин эркалар.
Баъзан булут кезса ҳам,
бунда
Ўқийвериш мумкин эртаклар.
Унутгандек бўлса ҳам инсон.
Тарих яшар
унинг ёдида.
Ёзилмаган гўёки достон —
Бухорода ҳар бир обида.
Ёдгорликлар — эмас шунчаки!
Бу — минг йиллик эзгу бир ният.
Бош кесмоққа қўйган кундани
Писанд қилмай ўтган —
кайфият.
Шулар борки, қолган дунёда
Боболардан таржимаи ҳол.
Кезавергин —
Отлиқ! Пиёда! —
Бухорога келмайди малол...

Vatan, sensan jonajonim

Усмон АЗИМ

УЗОҚ ХАЙРЛАШУВЛАР

Машҳур адиб ҳали ёш. Мен ундан ҳам ёшман. Биз асли ҳамқишлоқмиз. Тоғларимиз, далаларимиз, боғларимиз, ўру қирларимиз, юрган йўлларимиз бир. Ҳатто униб-ўсган тупроғини тарк этганларнинг барчаси бошдан кечирадиган соғинчимиз ҳам муштарак.

Мен ҳам машҳур адиб ўқиган мактабда ўқиганман. Мен ҳам унга ўхшаб жомадонимни кўтариб, қишлоқдан «ёзувчи булгани» жунаганман. У мендан ўн йилча олдин шаҳарга келган — талабалик чоғидаёқ китоблар чоп эттириб, адабий давраларда «кимсан фалончи» деган ном кўтариб улгурган. Ҳозир уни ҳамма энг истеъдодли адиблардан бири деб танийди. Мен ҳам шундай фикрдаман. Унинг китобларини ўқиётганимда «биз»нинг тоғимиз, дала-даштларимиз, мактабимиз, таниш-билишларимиз кўз олдимда шу қадар аниқ гавдаланадики, юрагим ҳаприқиб, томоғимга йиғи тиқилади; баҳорларимизнинг, кузларимизнинг, қишу ёзларимизнинг рангу бўйлари юрагимдаги айрилиқ ҳасрати билан чирмашади-да, вужудимни ураб, чидаб бўлмас бир соғинчга айланади. Мен жонўртар бу туйғу қаридан туриб, қишлоғимиздан шундай адиб чиққанидан бутун борлиғим билан фахрланаман. Унинг худди менга ўхшаб — киндик қони тўкилган тупроққа интиқликда яшаётганини, барчанинг кўзидан яширин, бир нозик авж-ҳасрат пардада юракларимизни бирлаштириб турганини ҳис қиламан.

Машҳур адибни болалигимдан танийман. Ҳовузимиз бўйида тоғам билан мактабни битириш имтиҳонларига тайёргарлик кўрган бўлиб ўтирганлари ёдимда. Мен ўшанда биринчи синфда ўқисам керак. Хатти-ҳаракати синфдошларидан бир қадар олифтароқ ўша ўспирин, назаримда бугун бошқа бир сирли, мен етолмайдиган олис оламга тегишли муъжизага айланган — ҳар бир сўзи, қилиғи, қарашида чуқур маъно, улкан истеъдод бордай туюлади менга. У ўзи мансуб сирли оламнинг бахтли фуқаролари — шоирлар, артистлар, санъаткорлар ҳамда аллақандай беписандлик аралаш бемалол сўз юритганда эса номаълум юлдузлардаги илоҳий зотлар ҳақида гап кетаётгандай берилиб тинглайман. У айни мен севган адиблар ҳақида илиқ гаплар айтади, менга ёқмаганлари тўғрисида «ёзувчи эмас» дейди афтини бужмайтириб — дилимиздаги бу пинҳона ўхшашлик уни ҳам, мени ҳам хурсанд қилади. У таъбига мос келмаган одамлар тўғрисида гапирганда юзини тиришитириб, жиддий қиёфага киради. Қошлари чимирилиб, лаблари чўччаяди. Кўнглига яқин кишилардан сўз кетса, кинолардаги ғарб аслзодалари каби киборона нимтабассум қилади. Умуман, у ичиш бошлангунча жуда уятчан, ниҳоятда тарбия кўрган одамдай таассурот қолдиради. Ичгандан кейин эса... Аммо ўша пайтлар машҳур адиб менга ҳатто мастликда ҳам ёқарди. Чунки севимли шоирим Сергей Есенин сархуш умргузоронлик қилганини билардим ва буюк зотларнинг феълидаги бу қусур ҳам менга фазилат бўлиб туюларди.

Tarix va taraqqiyot

Фахриддин НИЗОМ

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ЖАРАЁН

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларини ҳақли равишда ахборот инқилоби даври деб баҳолаш мумкин. Ахборот инқилоби, глобал ахборот воситалари жаҳон манзарасини бутунлай ўзгартириб юборди. Бугун дунёнинг тақдири ядро жомадонидаги тугмачани эмас, микрофон тугмачасини босиш билан ҳал этиладиган бўлиб қолди.

Айрим кишилар СССРнинг парчаланиб кетишига сабаб излаганда, социализм интеллектуал мусобақада Ғарбга ютқазиб қўйди, деган фикрни ўртага ташлайди. Бу ҳам балки тўғридир. Аммо мен социализм эркин иқтисодий ва ахборот мусобақасида енгилди, деб ҳисоблайман.

Ягона мафкура ҳукмронлигига асосланган салтанатда эркин ахборот олиш имкони пайдо бўла бошлагач, совет кишилари онгида қадриятларни қайта баҳолаш, бошқача айтганда, коммунистик мафкуранинг бирдан-бир тўғри ғоя эканига шубҳа туғила борди. Бу шубҳа ва эркин ахборотни қабул қилиш кўникмаси йўқлиги уларни бутунлай гангитиб қўйди. Одамлар шу вақтгача ўзлари учун эмас, коммунистик диктатура учун яшаб келганини, «дунёдаги энг демократик давлат фуқаролари экани»га алданиб чув тушганини, одам одамни эмас, давлат одамни эксплуатация қилиб келганини тушуниб ета бошлади. Эркин фикр, ахборотга муҳтож омма СССР Халқ депутатларининг съездларини, детектив фильмларни ёки триллерларни томоша қилгандай, катта қизиқиш билан кўрар, съезд стенограммалари чоп этилган газеталар қўлма-қўл ўқилар эди. Натижада тузум иллатлари, «овга чиққанда қушларга ҳам озор беришни истамаган» Лениннинг миллион-миллион кишиларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган хунрезликлари, Марксннинг китоблари Москвада қайта ёзилиб, немис тилига (?) таржима қилингани маълум бўлиб қолди.

Бир вақтлар Сталин ўз номидаги мукофотлар қўмитасининг йиғилиши мажлисига тўсатдан келиб қолади ва унда қўмита раҳбарларидан Тихонов ва Фадеев иштирок этмаётганини кўриб, мажлис аҳлига Рим империяси нега қулагани тўғрисида савол беради ва саволига ўзи жавоб беради:

— Рим империяси биринчи даражали муаммоларни ҳал этиш учинчи даражали шахсларга топшириб келингани учун ҳам инқирозга юз тутди.

Тақдирнинг ҳазилини қарангки, СССРдай империя учинчи ва ҳоказо даражали ишларга ҳам биринчи шахс ва партия бурнини тиқавергани туфайли парчаланиб кетди...

Исроил СУБҲОНИЙ

РУҲИЙ ГЎЗАЛЛИК ИЗТИРОБЛАРИ

Анчадан бери ибодат қилмай қўйдик, демак яшамай қўйдик. Бир қур ташланган самимий нигоҳ ҳам — ибодат.

* * *

Ижод — Оллоҳ фазилатларидан бири, энг муътабари. Унга тақлид қилмоқ керак.

* * *

Менга шеър эмас, «шеър бахти» керак.

* * *

Ор-номус аҳмоқлик саналган вақтларда ҳам уни ҳимоя қилмоқ керак.

* * *

Ғарибгина ва хато бўлса-да, мустақил фикрлашга нима етсин!

* * *

Софлик, соддалик ва улуғлик... Бу учала тушунча ҳеч қачон бир-бирисиз яшай олмайди.

* * *

Муҳаббат ширин хавотирдан бошланади.

* * *

Ҳақиқий китобхон ҳақиқий ёзувчи каби ҳурматга лойиқ зот. Ёзувчига илоҳий неъматни изҳор эта олиш, китобхонга эса уни қабул қила олиш иқтидори берилган.

* * *

Менинг ягона буюк танқидчим бор, унинг номи — Вақт!

* * *

Ҳар қандай фалсафий фикрнинг пировард хулосаси — Худодир. Агар шундай бўлмаса, у фалсафа эмас — васваса.

* * *

Ҳазрат Жалолиддин Румий шарқона ибо билан: «Дунёнинг асосида ишқ туради», деб айтадилар. Исаак Ньютон эса оврўпоча тавозе билан: «Оре, бутун олам тортишади», деди.

* * *

Кўзгунинг сирти — муҳаббат бўлса, орти — нафрат, орти қанча қаро бўлса сирти шунча ёруғ; шу боис муҳаббати улуғ одамнинг қаҳри ҳам муросасиз бўлади.

* * *

«Санъаткор» билан «мутафаккир» бириккандагина «қалб тафаккури» туғилади.

* * *

Мен ўлимдан эмас, баногоҳ яшамай қўйишдан қўрқаман.

* * *

Баъзан шу оддий ҳақиқатни унутиб қўямиз: ақлдан ёзилган нарсалар — ақлга, қалбдан чиққани — қалбга боради.

* * *

Дунёдаги энг буюк муъжиза ғузаллик ва унинг қалбан ҳис этилишидир.

* * *

Олам чексиз вақтдан иборат, вақт — борлиқ шаклида намоён.

Talqin va tadqiqotlar

Динора АЗИМОВА

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

... Маданий юксаклик даражаси бир хил бўлмаган ҳолда анча тўкинсочинликда яшаётган халқлар ҳаётининг моддий андозаларидан нусха олишга интилиш жамият учун хатарли бўлган жараёнларни юзага келтириши мумкин.

Ижтимоий зеҳният, ҳуқуқий тузилмаларнинг қолоқлиги ва моддий андоза ўртасидаги жарлик (нотенглик, номувофиқлик) қора кучларнинг (мафия) бош кўтаришига сабаб бўлади.

Бугунги кунда мафиявий гуруҳлардан ҳоли бўлган бирор бир маданий давлат топилмайди. Хоҳ Америка ёки Япония, хоҳ Россия ёки Италия бўлсин — барчаси мафияга қарши курашиш билан овора. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар ҳам, дунёдаги бошқа давлатлар каби бугунги давр ривожининг қонуний тамойили бўлиб кўринаётган бундай нохуш ҳолатни четлаб ўтмоғи аримаҳолдир. Лекин бундай офат таъсирини сусайтириш ва юмшатиш имконияти бор. Умум эътироф этган фикрга кўра, дунёдаги энг хатарли ва тажовузкор мафия «рус» мафиясидир. У мафиявий тизимда бу қадар «баобрў» ўринга дастлаб социализм, кейин эса СССР ҳалокатга учраган даврда, айниқса МДҲ мамлакатларида хусусийлаштириш жараёни авж олган паллада эришди. Бу давр унга шу қадар қулай иқлим яратдики, у қадрдон ерида кучқувват тўплаб, энди халқаро миқёсда хавф солиб, ватани сарҳадидан ҳам олис-олисларга ёйилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатлардаги мафия тадбиркорларнинг изидан тушиб, улар умумий даромадининг 2-5 фоизига даъво қилаётган бўлса, «рус» мафияси эса худди шундай вазиятда 50-60 фоизга эга чиқиб ўтирибди. Бу шундан далолат берадики, айнан мана шу даврда унинг илдиз отиши учун анча қулай шароит вужудга келди...

Денов туманидаги Техника ижодиёти марказининг ташкил этилганлигига шу кунларда роппароса 20 йил тўлди. Ҳозир бу ерда 25 турдаги техника тўгараклари фаолият кўрсатяпти. Айниқса, ракетамодель, автоспорт, радиотехника тўгараги қатнашчилари кўплаб туман, вилоят, республика мусобақаларида муваффақият билан иштирок этиб келишяпти.

СУРАТДА: автоҳаваскорлик тўгараги раҳбари Дўстмамат Эшқобилов ўз шогирдларига йўл ҳаракати қоидаларига ўта эҳтиёткорлик зарурлигини уқтиряпти.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

МАКТАБ ВА ХЎЖАЛИК ҲАМКОРЛИГИ

Абдураҳмон Шукуровнинг Чироқчи туманидаги Эшпемир Жураев номли 19-урта мактабда директор бўлганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, у ўтган икки йилга яқин фурсат ичида мактабда ислоҳотларни олиб бориш йўл-йўриғини топа олди. У аввало, мактаб жойлашган хўжалик — Салим Жураев номли жамоа хўжалиги билан муносабатни яхшилади. Натижа чакки эмас.

Ўтган ўқув йилида мактаб ўқувчилари туманда ўтказилган мактабларо «Яшил чироқ» мусобақасида 150 га яқин мактаб ичида 1-ўринни қўлга киритди. Сунг вилоятдаги босқичга қатнашди ва фахрли 4-ўринга сазовор бўлди.

— Янги ўқув йили олдидан хўжалик ва туман халқ таълими қўмитасида мактабни тула замон талабига асослаб таъмирладик, керакли спорт анжомларини сотиб олдик, — дейди Абдураҳмон ака.

Мазкур илм ўчоғида 102 нафар ўқитувчи 1000 га яқин ўқувчига таълим ва тарбия бермоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари Фотима Раҳмонова, Хосият Эшбоева, Лола Ашурова ва Бибисора Файзиевалар ҳар бир дарснинг мароқли ва мазмунли бўлишига ҳаракат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Республика Олий Мажлиси IX сессиясида қуйиниб: «... Боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар биркитиб қўйилишини олдий мантиқнинг ўзи талаб этади» дегандилар.

Абдураҳмон ака ҳам директор бўлганларида энг аввало ишни шундан бошлади. Юқоридаги ўқитувчиларнинг билими, салоҳияти ва тажрибасини ҳисобга олиб, бошланғич синфларга бириктириб қўйди.

Мазкур мактаб ўқувчилари орасида элга танилиб келаётган полвонлар кўп. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, яқин ўтмишдан буён шу мактабни битирган ўнлаб полвонлар ўқитувчиларга бош вақт тоғдим, деганда устозлик қилади. Купинча Жомурод, Абдулла, Эргаш, Шоймурод ва Шавкат полвон сингари қураги ерга тегмаган чироқчилик полвонларни ўқувчилар орасида учратиш мумкин.

Хўжалик ва мактабнинг ҳамкорлиги ёш футболчиларни камол топтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чироқчида ҳар йили Навруз, Мустақиллик каби байрамларда туман бўйича футбол мусобақаси ўтказилади. Қайси хўжалик, ташкилот ёки мактаб футбол жамоаси бўлмасин бугун асосан Эшпемир Жураев номли мактаб ўқувчиларидан иборат бўлган командадан чучийдиган бўлиб қолган. Улар мағлубият аламини ҳозирча тортгани йўқ. Ўтган икки йилда шундай байрамларда финалга чиқиб, бош соврин соҳиби бўлишди. Мактабдаги уйингоҳда спорт усталари, болаларни жисмоний жиҳатдан тайёрласа, Салим Жураев номли хўжалик раҳбари Жўра Маманов ўйинчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб турибди. Ўтган мустақиллик байрамининг 5-йиллигида олган «Урал» аравачали мотоцикл уларнинг хизматида. Хўжалик раҳбари шу йили ҳар бир ўйинчига бир тоннадан бўғдой ва 10 литрдан пахта ёғи берганди. Тула спорт анжомларини олиб берди. Бу йил ҳам чакки эмас. Уйинчилар фахрли учликдан ўрин олди. Қимматбаҳо совғалар, пул мукофотларига сазовор бўлди. Аҳдлари ўша-ўша. Келгуси йили яна бош соврин соҳиби бўлиш. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам бор.

Ҳозирда эса ўқувчиларнинг асосий эътибори таълимга қаратилган. Ўтган битирувчилардан 20 га яқин ўқувчи олий ўқув юртларига киришди. Уларнинг сафини келгусида кўпайтириш мақсадида Э. Алланов, Р. Мирзаев, М. Нодиров, Х. Халилов, Н. Маматов сингари педагоглар дарсларни пухта ўтиш, ўқувчилар онгига чуқур кириб бориш пайида бўлишмоқда. Биз бу ерда бўлганимизда асосан муаммолар билан қизиқдик. Аммо, бирлик, ўзаро ҳамкорлик асосида камчиликлар бирин-кетин ечимини топяпти.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, журналист.

Sport

ФРАНЦИЯ — АРМОН

Футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларидан бири Тошкентда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма командасининг кичкинагина имкониятига японлар катта нуқта қўйди. Ҳисоб 1:1. Умумий натижа эса икки учрашув натижасига кўра 7:4 ни ташкил этди.

11 октябрдан кейинги вазият — 1. Корея (13 очко), 2. БАА (7 очко), 3. Япония (6 очко), 4. Қозоғистон (3 очко), 5. Ўзбекистон (2 очко).

ДУРАНГНИНГ БАҲОСИ

Саралаш учрашувларининг «Б» гуруҳ ҳисобидан яна бир учрашуви Алматида бўлиб ўтди. Гуруҳ пешқадами Корея терма командаси юз-кўзи ўзларига ўхшаган, аммо турмуш тарзию, футбол услуби мутлақо фарқ қиладиган замондошлари — қозоқларнинг меҳмони бўлди. Унда ҳам 1:1 натижа қайд қилиниб, қозоқлар бизникиларга ўхшаб жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишди. Орадан бир кун ўтиб кореялик футболчилар навбатдаги ўйинни ўтказиш учун Тошкентга учиб келди. Ҳали гуруҳ ўйинлари тугагани йўқ. Бироқ, қозоқлар ҳам муддатидан олдин имкониятни бой беришди.

НЕНАШЕВ ОМАДЛИ ОДАМ ЭКАН

Шахмат тарихимизда биринчи бўлиб бизникилардан Александр Ненашев дунёдаги энг кучли 100 шахматчи қаторидан ўрин олди. Ҳозирча у 74 қаторда турибди. Биринчи қатор эса албатта Гарри Каспаров билан банд. Жойларни алмаштириш учун яқинда кучли 100 шахматчининг ҳаммаси Голландияда бошланиб, Лозаннада тугайдиган жаҳон чемпионатида иштирок этади. Натижаларга қараб ўринлар қайта белгиланади.

ФУТБОЛДА АЁЛЛАР ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича Андижонда аёллар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Мамлакатимизнинг дастлабки чемпионлиги «Андижонка» аёлларига насиб этди.

Чемпионлик ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўйинлар икки давра асосида ўтказилди. Майдон эгалари иккинчи даврадаги барча учрашувларни ғалаба билан якунлаб, дарвозасидан бирорта ҳам тўп ўтказишмади. Шу билан аёлларнинг футбол бўйича биринчи чемпионати тугади. Эркакларники эса давом этмоқда.

ВЛАДИМИР ШИНдан МАЙК ТАЙСОНгача...

Шу йилнинг 18—28 октябрь кунлари Венгрияда бокс бўйича ҳаваскорлар навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма командаси ушбу чемпионатда қатнашиш учун аллақачон тайёргарликни бошлаб юборишган. Йигитларимизга бош мураббий Владимир Шиндан ташқари Алексей Дин, Ҳасан Муҳамедов, Марат Қурбонов, Юрий Черник ва бошқалар ҳар куни соатлаб сабоқ бермоқда.

Айтишларига қараганда Майк Тайсон ҳам ушбу чемпионатга таориф буюриш ниятида экан. Мақсади — боксчилар орасидан кучли шогирд топиш.

maydonchasi

Xullas

КАЙФИ БОР КАЛАМУШЛАР...

Ростданам шунақа бўлди. Германиянинг Гамбург шаҳрига «Бурбон» ичимлигидан 15 минг литр олиб келинган эди. Афсуски, лаборатория текшируви натижасида ичимликнинг таркибида соғлиққа зарар келтирувчи баъзи вируслар топилиб қолди. Хуллас, кўпчиликнинг мулоҳазасидан сўнг ичимликдан воз кечиш лозим деган фикрга келинди. Шундай қилиб, эссизгина ичимлик шаҳар ташқарисидаги канализация ариғига ағдарилди. Хуллас, ҳамма томоша шундан сўнг бошланди. Нима бўлди денг, ариқда «зерикиб» ётган каламушлар бепул «Бурбон»дан ичиб олишиб, кайфи ошиб қолди шекилли... Натижада шаҳар кўчаларида ҳеч кимни кўзга илмай, бемалол айлана бошлади.

«ЧАЛАВОЙЛАР» АНЖУМАНИ

Яқинда Тюменда бўлиб ўтган анжуман, сиз билан биз шу вақтгача эшитган йиғилишлардан анча фарқ қилади. Яъни бу анжуманда фақат вақти-соати етмай «шошилинч» туғилганларгина қатнашди. Эшитишимизча, унда Россиянинг турли сарҳадларидан бор-йўғи 13 нафар «чала туғилганлар» иштирок этишди.

Анжуманда йиғилганлар нималар хусусида бош қотиришди, бу ёғи бизга қоронғу. Ким билсин, балки ўзларининг нега «шошилганлигини» муҳокама қилгандир.

ЭПЧИЛ КИРАКАШ

Бу воқеани эшитган «Ипподром — Метро» йўналиши киракашлари ҳам ҳайратдан ёқа ушлашлари турган гап. Уларнинг орасидаги энг муғомбир ишбилармонлар ҳам хўрсиниб қўйишлари тайин.

Даниялик киракашлар биздан-да эпчилроқ эканлар. Копенгаген кўчаларида автобус ҳайдайдиган Вильям исмли сариққина йигитнинг машинасига 225 нафар болани миндириб олишга улгурганини эшитиб, жаҳоннинг кўплаб транспорт ходимлари унинг ҳузурига ошиқмоқдалар. Очиққўл Вильямжон эса ўз «санъати» сирларини яширмаяпти.

ana shunaqa gaplar

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги жамоаси Педагогик таълим ва фан бош бошқармасининг масъул ходими К. Ҳошимовага ўғли

Олимжон ҲОШИМОВ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти меҳнат жамоалари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиевга онаси

Антонина ТОЖИЕВА вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

БОБО ШОИР ЭДИ

(Боши 2-бетда).

Қуддус ака ҳам «Ҳей, биродарлар, мен ана шу нашрларнинг ҳақиқий шоириман, бундан ташқари бир этак болам бор, мени ҳам ишлатинглар» демайди. «Офтобҳолваси»ни мақтаб, мактаб сари чопади. Кунини учрашувларда, болалар даврасида ўтказади. Учрашувлар ҳақида гапирсак, Қуддус ака болаларимизнинг чинакам шоири эди. Минбарга чиқиб олиб, соатлаб тошиб шеър ўқирди. Болаларни сузлари билан сеҳрлаб қуярди. Бутун бошли ижодни, то сўнгги кунгача хотирда сақлаш фақат у кишига насиб этди.

«Ёш гвардия» нашриётида ишлаб юрганимда Қуддус ака бир куни астойдил талаб билан хонамга кириб келди.

— Барнохон, мен қизимга тахта олишим керак, пул эса йўқ. Бу кеннойинг топасан, деб қулоқ-миямни еди. Китобимга пул чиқадими?

— Тахтани нима қиласиз, — дедим.

— Болам, қизимни чиқараяпман. Узи бу тахтани тўғри қилиб ёқсанг, бир ош пишмайди-ю, нархи жуда баланд экан.

— Қанча экан?

— Саккиз юз, тўққиз юз сўм бўлса етади.

Раҳбарият мурожаат қилиб, Қуддус аканинг илтимосини бажардик. Ушанда, бугун ҳамма устозим деб айтаётган Қуддус Муҳаммадий олтмишдан ошган. Республика Давлат мукофоти совриндори эди.

Орада бир нарсани алоҳида таъкидлашни маъқул топдим. Дунёда болалар асарларига бериладиган Халқаро Андерсен мукофоти мавжуд. Мустақиллик туфайли республикамизда буюклар номида адабиёт-санъат асарлари учун бир қатор мукофотлар ташкил этилди. Давримизда болалар учун асар ёзаётган ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар оз эмас. Бу соҳа вакиллари учун ҳам берилаётган мукофотлардан алоҳида урин ажратилса.

Ҳа, айтмоқчи, олтмишинчи йилларга келиб Қуддус ака «Табиат алифбеси» номи билан беш китоб яратишга киришди. Шоир уни «Беш китоб — эш китоб», болалар «Ҳамса»си деб атади.

Шоир Рауф Толиб билан ана шу беш китобни тайёрлашга киришдик. Қулёзмани олиш қийин бўлди. Қуддус ака ҳар гал қулёзмани сўрасак, устидан яна бир кўришим керак, деб қочиб юради. Биз эса қисталанг қиламиз.

Ундан ҳам баттари саксонинчи йиллар бошида бўлди. Уюшма раҳбари мени чақириб, буюрди:

— Сен Қуддуснинг икки томлик асарларини нашрга тайёрла. Ҳар бири 20 босма табоқдан бўлсин. Бир жилди ўзбекча, иккинчиси русча бўлсин. Русчаси Москвада чиқади. Ўзбекчаси — «Ғофур Ғулом» нашриётида чоп этилади.

Қуддус аканинг бор китобини Рауф орқали йиғдим. Саралаш, танлаш кетаяпти. Бир томонда Азиз Абдураззоқ сузма-сўз русчага айлантираяпти.

Қуддус аканинг бизнинг ташвишимиз билан иши йўқ. Қуддус акани чақирдик. Кўчириладиган шеърларни китобларидан белгилаб қўйганмиз.

— Мана шуларни кўчиртириб келинг, нашриёт кутаяпти, — дедим.

— Кўчиришга қанча пул кетади, — сўради Қуддус ака.

— Уч юз, тўрт юз сўм етади.

— Ман бу пулни қаердан топаман.

— Устоз, — тушунтирдим. — Бу икки томлик чиқса,бир хуржун пул оласиз.

— Йўқ, — деди Қуддус ака, — ҳозир сен айтганга менинг қурбим етмайди.

Чопиб раисимизнинг ҳузурига кирдим. Бор гапни айтдим.

— Э-э, — кулди раисимиз.

Худди шу ерда бир пушаймонимни айтмасам бўлмас. Уюшма ҳисобидан русчага сузма-сўз ўгиргани учун Азиз Абдураззоққа анча-мунча пул берилди. Хўш, уюшмада машинистка қизларимиз нечтайди. Бир хонани тўлдириб ўтиришарди-ку. Раисга уюшма ҳисобидан кўчиртирайлик, деган таклифни айтсам, мени қувиб чиқарармиди. Қайтанга иш битарди-ку.

Ким билади, мен кирганда раисимиз не ташвишда эди. Тушунтиришни охирига етказолмадим. Шу билан икки жилдлик ҳам қолди-кетди.

Раисимиз иккинчи марта Қуддус Муҳаммадийни сийлади. Дархон атрофида ёзувчиларга аталган уй битгач, икки хона ажратди. Қуддус ака эса олмайман, деб оёқ тираб олди.

Пулат Мумин бир куни келиб мени ишга солди.

— Устозинг уйни нега олмаётганини биласанми?

— Йўқ!

— Уй пулисидан қўрқаяпти. Олаверинг, уюшма тўлайди деб оқсоқолни кўндир.

Қуддус акага дарров учрадим. Пулат аканинг айтгани тўғри чиқди.

— Барнохон, — деди Қуддус ака, — ман сан айтган уйни олсам, ҳар ой кибартира пулини ким тўлайди?

Пулат ака айтганидек қилиб тушунтирдим.

Қуддус ака уйланиб қолди.

— Гапинг-ку тўғри. Лекин мен ҳар куни Зоғариқнинг сувидан ташиб келиб, қайнатиб ичаман. Биласанми, бу зоғариқ эмас, зар ариқ. Суви тошдан тошга урилиб пишади. Ушанинг сувидан ҳар куни ичганим учун диконглаб юраман.

— Шодивойми, Қучқорвойми, бирортаси ташиб турар, — дедим.

Шу тариқа Қуддус ака квартира эшигини очди.

Яна бир воқеа. Тўқсон иккинчи йилнинг ёзи бўлса керак. Уюшма котиби, раҳматли Ўктам Усмонов мени чақириб, «Қуддус акани табриклаб қўй, халқ шоирлигига тавсия қилаяпмиз», деди.

Худди келишгандек, иккинчи қаватта тушсам Қуддус акага дуч келдим. Кўчага кузатиб чиқдим. Бир-икки қадам босгач, у кишининг елкаларини силаб хушхабарни айтдим.

— Қуддус ака, яқинда сиз «Ўзбекистон халқ шоири» бўласиз.

Қуддус ака пинагини бузмади. Менга офтобҳолванинг тайёрланиши, хосияти ҳақида узун дакалат ўқиди.

— Биламан, — дедим мен ҳам буш келмай, — сиз айтган офтобҳолвани тайёрлашга менинг кучим етмайди. Сиз айтган учқора майизнинг килоси фалон сум. Исфаранинг туршаги ундан қиммат. Конибодомнинг бодомига менинг тишим ўтмайди.

— Барнохон, — деди Қуддус ака, — офтобҳолвани емабсиз, дунёга келмабсиз. Айтганларимни ҳавончада туяман. Тагида бир қошиқ ёғи ҳам қолади. Ҳолвасини иссиқ нон бидан ейман. Ёғини ичаман. Қурибсизки, кечгача қора қўчқорнинг ёғидан палов егандек диконглаб юраман. Кўчакўйда овқат емайман.

Унвон ҳақидаги хушхабар шу билан тугади. Кўп ўтмай матбуотда Қуддус ака исмишарифи тагида «Ўзбекистон халқ шоири» деган сўз пайдо бўлди. Фармон ҳали чиқмаган. Орадан уч-тўрт ой ўтди. Декабрнинг бошлари бўлса керак, Қуддус ака менга сим қоқди.

— Барнохон, айтган ваъданг қани?

Кейин билсам, худди шу маънода Ҳаким Назирга Қуддус ака ўпкаланиб арз қилган экан.

Бу хабар тезда Ўктам ака орқали раисга етказилди. Ўн кун ўтар-ўтмас Қуддус акага «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилди.

Шунда билинди, Қуддус аканинг биринчи марта араз-лагани. Бу ҳам унинг ҳақиқий бола табиатлигидан эди.

Қуддус аканинг шеъру достонлари ҳақида ҳар хил фикр юради. Бир сўз билан айтганда, у болаларнинг бахши шоири эди. Воқеаларни сўз орқали ўйнатарди. Ҳар бир шеърининг ўз эгаси бор эди. «Темирлар уйини», «Дум» шеърини оҳангсиз ўқиб кўринг-чи. Шеър ўқишни Қуддус Муҳаммадийга чиқарганди.

Охирида бир сирни айта қолай. Яқинда Қуддус аканинг китобларини қайта ўқиб чиқдим. Ҳали-бери яшайвераман деди.

Қуддус ака бугун орамизда йўқ. У зот тўқсон йил умр кўрди. Тўқсон йил яшаш, шунинг етмиш йилини болалар адабиётига бағишлаш камдан-кам ижодкорга насиб этади.

Сафар БАРНОЕВ.

Tadbir

БАРЧА «БЕШ» ОЛГАН КУН

Ҳали тест синовлари деган нарсалар чиқмаган, ибтидоси анча олис йилларга тақалувчи кириш имтиҳонлари чоғида абитуриентнинг бурро-бурро жавобларидан қониқиш ҳосил қилган олий ўқув юрти домласи учинчи саволга ўтмаёқ, йигитдан сўради: «Қаерда ўқигансан, кимё ўқитувчинг ким?». Йигит деди:

— **13-мактабда ўқиганман. Кимёдан Абдуҳалим ака Набиев дарс ўтганлар...»** Шунда имтиҳон олаётган домла «Э, шундай демайсанми, ўзим ҳам айтувдим-а, баҳойинг «беш», деганини то ҳануз эслашади. Бундай ҳурмат-эҳтиром ва илиқ муносабат кўп йиллар Эргаш Рузиев, Асқар Иброҳимов, Маҳаммаджон Одилов, Рихси Тоирова, Клара Шнайдер, Воҳид Ҳўжаев, Рустам Азимовга, Хуллас калом икки-уч авлод қулида таҳсил кўрган кўплаб муаллимларга нисбатан ҳам такрор ва такрор қўлланилганлигидан хабардормиз. Ушбу илм масканини битирган ўқувчилардан 60 га яқин фан номзодлари ва докторлари етишиб чиққанининг ўзи даъвомиз асосли эканлигидан далолат.

Куни кеча ушбу масканда катта тантана — у ўзининг биринчи ўқувчиларини қабул қилиб олганига 60 йил тўлиши муносабати билан собиқ ва бугунги ўқитувчилар ҳамда собиқ ва бугунги ўқувчиларнинг бир пиёла чой устидаги учрашуви бўлиб ўтди. Уни Самарқанд Дарвоза маҳалла оқсоқоли ҳожи Абдуҳалил Набиев, ҳа, биз муқаддимамизда мухтасаргина тилган олганимиз қимё ўқитувчиси очиб, мактаб босиб ўтган йўл ҳақида ҳаяжон ила сўзлади. Марҳумлар ёдга олиниб, қурьон тиловат қилинди.

Ҳозир бўлганларни шарафлаб бошланғич синф ўқитувчилари томонидан тайёрланган табрикларга меҳмонларнинг қутловлари қўшилиб кетди. Шаҳар ва Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими раҳбарияти алоҳида урнак қурсаттан устозларга топширган фахрий ёрлиқ ва нишонларга собиқ ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббати ва улар ўзлари билан олиб келган совға-саломлар улаш бўлди. Хушовоз хонандалар Ғуломжон Ёқубов ва Сайёра Назарованинг хонишлари-ю Обид Асомовнинг ичакузди ҳангомалари дилларга ором бахш этди.

Биз билан суҳбатда 60 йиллиги нишонланаётган мактабга энг кўп — чорак аср директорлик қилган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Муаттар Афандиева шундай деди:

— Арпа эксанг арпа, буғдой эксанг буғдой урасан. Муаллиф ўқувчиларидан берган билимига яраша жавоб эшитади. Тилагим ўқитувчиларимиз заҳмат чекдим демасинлар, меҳнатларининг роҳатини кўришсин; зотан ҳар қандай заҳмат охир-оқибат роҳат бўлиб якун топади.

Беихтиёр собиқ ўқувчилар, бундан ўттиз тўрт йил муқаддам ушбу мактабни битириб, бугунги кунда халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишлаётган Фахриддин Жўнайдуллаев, Ҳамидулла Саидхўжаев, Абдулҳай Шоджонов ва Ахтам Илҳомовларнинг мактаб музейидан жой олган дил сўзлари битилган дастхатдаги мазкур сатрлар ёдга келади: «Эндиликда ушбу даргоҳда фарзандларимиз, набираларимиз таҳсил олмоқда. Иншооллоҳ, насиб қилса ҳали эвараларимиз ва чевараларимизнинг ҳам бизга азиз бўлиб қолган мўътабар илм масканида билим чўққиларини эгаллаётганларининг гувоҳи бўламиз».

Бунга шубҳа йўқ. Зеро, катта ариқ тоза ва мусаффо бўлса, ундан ажралиб чиққан жилғалар ҳам шундай тоза ва мусаффо бўлади.

... Хуллас, шу куни ҳеч ким четда қолмади, барча «беш» олди — ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам.

Зайниддин РИХСИЕВ.

ҚУТЛОВ!

Ҳурматли Тилло Нормуродов!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз!

Сизга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизга катта муваффақиятлар тилаймиз!

Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

КАШФИЁТЛАР ТАРИХИДАН

XVII аср бошларида телескопнинг ихтиро қилиниши астрономия фани тараққиётида жуда муҳим қадам бўлди. Буюк итальян олими Галилео Галилей ўзи ясаган телескопнинг объектини осмонга қараттан пайтда, олам худди кишиларга яқинлашгандай, осмоннинг кўпгина сирларини беркитиб келаётган парда кўтарилгандай бўлди.

Галилей ундан тунги осмон манзарасини ҳам бемалол кузатди. Бу кузатишларда у Ой сатҳи тухум сингари силлиқ эмаслигини, балки худди Ердагига ўхшаб унда ҳам денгизлар, қуллар, баландликлар борлигини айтди.

Ана шу вақтдан бошлаб телескоп астроном олимларининг «кўзи» ва тадқиқотлар олиб борадиган асосий асбоб бўлиб қолди.

ЭНГ АРЗОН МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИ ФАҚАТ СИЗ УЧУН!

30 фоизли сийловни билан!





Фақат ҳозир бизда 30 фоизли арзонлаштирилган улгуржи ва чакана нархлар. Тўлов шакли Сиз истаган усулда.

Манзил: Тошкент шаҳри, Жомий кўчаси, 254 (мўлжал Жомий майдони). Тел.: 48-26-55, 48-37-50.



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Ҳ2жми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6